

гаҳор кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш

31	М. Мамбетуллаев О. Юсупов У. Календаров	Орол диёрининг маънавиятида ал-кердери мероси	69
32	Д. Чориева	Маданий-маънавий меросимизни асраш ва тарғиб қилишга оид масалалар	71
33	М. Мамбетуллаев, О. Юсупов	К истории миграции «Нетюркских» номадов в Приаралье и Среднеазиатской междуречье	73
34	Ҳ. М. Камолова	Шахрисабз воҳаси хўжалик ҳаёти манзаралари	75
35	G. Ravshanova	XV asrning ikkinchi yarmida Abu Said Mirzoning Movarounnahr taxti uchun kurashi	77
36	Б. Э. Рахимов	Туркистонда кўчириш жараёнининг хусусиятлари (Каспий орти вилояти мисолида)	78
37	М. З. Орзиев	XVIII-XIX асрларда Бухоро ва Афғонистон ўртасидаги чегара зиддиятлари	81
38	Т. А. Аметов С. Турсунов	Научно-теоретические и методологические основы изучения новейшей истории Узбекистана и Каракалпакстана	83
39	Ф. Шарипов Ж. Бердиев	Амир Темур – буюк саркарда	85
40	Б. Х. Сапарбаев	“Фирдавс ул-икбол” асарида 1812-1813 йиллар воқеаларининг баён этилиши (“Фирдавс ул-икбол” асари асосида)	87
41	Ф. Шарипов Н. Давронова	Потрон кишлоғининг шаклланиши тарихидан	89
42	А. С. Сейфуллаев	Жанубий Орол бўйларидаги муқаддас зиёратгоҳлар	91
43	З. Э. Халиков У. И. Исаров	О горуле и других легендарных персонажах найденных в Каратепе	93
44	Ш. Давлатова Д. Муқимова	Хожа Самандар Термизийнинг сиёсий қарашларида элчилар масаласи	94
45	И. А. Жабборов	Оила ва никоҳ институтининг ривожланиш тарихи	97
46	З. Э. Холиков М. О. Бегалиева	Ўзбекистон маданияти ва санъатини ўрганишда археологик тадқиқотларнинг ўрни	98
47	Г. Раззоқова Ф. Жуманова	Қадимги даврларда анъанавий кўшикчилик санъатининг пайдо бўлиши хусусида	99
48	А. Ш. Умаров У. Назаров	Зардуштийлик дафн маъросими билан боғлиқ урф одатларнинг ижтимоий ҳаётда ақс этиши	101
49	Ж. Ш. Ҳайитов	XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистонда бошоқли (донли) экин янги навларининг кириб келиши тарихидан	102
50	У. А. Умаров	Археологик маданиятларни ўрганишда зеб-зийнат буюмлари ва такинчоларнинг моддий манба сифатидаги ахамияти	105
51	Л. Ражабова	Шахснинг мустақил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришга бўлган тарихий ёндошувлар	108
52	Ш. Норматов	XIX асрнинг иккинчи ярмида Кўқон хонлигининг Россия билан олиб борган савдо алоқалари ва унинг натижалари	110
53	А. Х. Менглибоев	Ўзбекистон ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ўртасида халқаро терроризмга қарши кураш масаласидаги ҳамкорликнинг баъзи жиҳатлари хусусида	112
54	Ж. Кўчаров Ш. Норматов	Бухороликларнинг илк ўрта асрларда Хитойдаги фаолияти тарихидан	115
55	D. H. Sunatov	“Buzuk ipak yo‘li madaniyati” – madaniy meros sifatida	116
56	Т. Х. Норқобилов	Хараппа маданиятининг Бактрия (Сурхон воҳаси) билан маданий алоқаларининг ёритилишига доир	117
57	Ж. К. Кўчаров	XX бошларида Бухоро– Афғонистон муносабатлари хусусида	120
58	Р. Н. Тўхтаева	Туркистонда пул муомаласини йўлга қўйишда Ўрта Осиё иқтисодий кенгашининг ўрни	122




- Замбери А. Прекращение пограничных споров между Бухарой и Афганистаном// Туркестанский сборник. Том 41. – С. 201.
- Венюков М. Мелкия государства по верховьям Окса// Туркестанский сборник. Том 41. – С. 118
- Ганковский Ю.В империя Дуррани. Очерки административной и военной системы. – М.: Издательство Восточной литературы 1958. – 173 с.
- Карта узбекских ханств, вошедших в состав Афганского Туркестана//Туркестанский сборник. Том 41. – 1-218 с.

## НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ИЗУЧЕНИЯ НОВЕЙШЕЙ ИСТОРИИ УЗБЕКИСТАНА И КАРАКАЛПАКСТАНА

Т.А. Аметов, С.Турсунов -  
Иркутский ГПИ имени Аджинияза

В годы независимости в исторической науке Узбекистана произошли изменения, связанные с отказом от идеологии бывшего строя, внедрением новых методологических подходов основанные на идее национальной независимости, в проблемное поле науки вошли ранее не разрабатываемые темы, многие исторические события получили новую интерпретацию, созданы новые образовательные стандарты, программы, учебники и методические пособия. Прогресс науки и социально-экономическое развитие ставят перед историками нашей страны такие задачи, как выведение исторической науки на еще более высокий научно-теоретический уровень и освоение новых научных направлений на основе мирового опыта.

Однако развитие науки и потребности общественного развития ставят перед историками Узбекистана задачу, исходя из опыта мировой практики, поднять историческую науку на новый теоретико-методологический уровень, освоить новые научные направления [1].



В Москве вышла в свет коллективная монография «Новейшая история Центральной Азии: проблемы теории и методологии» (ответственные редакторы и составители Аликберов, М.А.Рахимов. Москва. ИВРАН, 2018. С.302). Издание книги осуществлено с участием Института востоковедения РАН (Москва), Институтом истории и Координационно-методическим центром по вопросам новейшей истории Узбекистана при Академии Республики Узбекистан с финансовой поддержкой Фонда им. Конрада Аденауэра (Германия). Данная книга включает в себя разделы исследований по теории и методологии исторической науки на основе материалов новейшей истории Центральной Азии. Новейшая история является неотъемлемой частью истории человечества, она тесно переплетена с национальными и глобальными процессами. Объявив независимость, государства Центральной Азии взяли курс на коренное преобразование всей политической и социально-экономической системы. Этот процесс проходил в условиях сложных политических, мировоззренческих и социально-экономических трансформаций. В свете этих условий



килиб кўрсатилади. Шунингдек, афғон Туркистони мулкларини 1850-йиллардан бошлаб тугатилиб, уларнинг мулклари афғон амирлиги мулкларига айлантирила бошланганлиги ҳам кўриш мумкин. Келтирилган маълумотларда Маймана, Шибиргон, Сарипул, Бадахшон мулклари 1874 йил, Оқча, Мозори шариф, Хулум мулклари 1850-йилларда тугатилганлиги Дарбоз, Гурзивон 1870-йилларда тугатилганлиги билан боғлиқ маълумотларни ўқиб мумкин[6,21-22].

XIX асрнинг 60-йилларида афғон Туркистони учун курашлар кескин тус олганлиги Х.Вамбери ҳам ёзиб қолдирган. Вамбери Қундуз, Хулум, Балх, Оқча, Сарипул, Шибиргон, Андхой, Маймана ҳокимларини Бухоро ва афғон амирлари ўз манфаатлари йўлида курашларда фойдаланаётганликларини, бу ўлкани вайрона ахволга олиб келаётганлиги фақатгина Афғонистон амири Дўстмуҳаммадхон давридагина ўзбек хонликлари тўғрисида бўйсундирилганлигини ёзиб қолдиради. Вамбери маълумотларидан, Маймана хонлиги мустақилликни кўлида сақлаб қолганлигини англаш мумкин. Унинг ёзишича, 1862 йили Маймана Дўстмуҳаммадхонга қаттиқ қаршилик кўрсатади. Бу жангда ўзбекларнинг қахрамонлиги ҳақида мақоллар тўқилди, деб ёзади. Маймана ўзбеклари ташқи кўриниш ва жанглардаги шижоати билан алоҳида ажралиб туриши, улар билан бу борада Шаҳрисабз ўзбеклари бас бойлаши мумкинлиги ҳам сайёҳ эътиборидан четда қолмаган. Дўстмуҳаммад вафотидан сўнг, Бухоро амири Маймана ҳукмдори Хусайнхонга 100 минг тилла юборган. Маймананинг ёш ҳукмдори кизикконлиги сабабли ўз иттифокчисини қутмай кураш бошлаб юборанлиги билан боғлиқ маълумотлар XIX асрнинг 60-йилларида афғон Туркистони мулкларининг ўз мустақиллиги йўлидаги сўнгги курашлар палласи бошланганлигидан далолат беради[2,205].

Туркистон ўлкасини Россия империяси истило қилиш жараёнида ҳам Бухоро ва Афғонистон давлатларининг зиддиятли ҳудудлардаги муаммолари давом этаверган. 1869 йили Бухоро амирлиги устидан Россия империяси протекторатининг ўрнатилиши, шахзода Абдумалик Катта тўранинг Афғонистонга кетиши ва Қобулда уни яхши кутиб олиниб, афғон маликасига уйланиши ҳақидаги хабарлар Бухоро маъмурларини ташвишга солиб қўяди.

Вужудга келган вазиятда Абдумалик Катта Тўранинг Бухоро тахтига даъво қилиши Афғонистонни амалда Бухоро устидан ҳукмронликни ўрнатишга уриниши сифатида баҳоланади. Бухоро амири Музаффархон бунга жавобан ўзининг Бадахшон ва Амударё юқори окимидаги ўлкаларда аввалги ҳуқуқини тиклашни даъво қилади. Шу мақсадда Қобулга Хўжа Эшон Ўронни юбориб, унчалик муҳим бўлмаган иккита манзилни Бухорога қайтаришни сўрайди. Бу эса, афғонларни қўлига қурол олиши учун етарли бўлган. Вужудга келган вазиятда ўз вассали ҳудудлари учун курашда иштирок этиш келажакда Англия билан тўқнашувни келтириб чиқаришини яхши англаган Россия империяси 1869 йилда Бухорога музокаралар ўтказилишига эришиб, икки давлат ўртасидаги чегара сифатида Амударё белгиланишига эришади[3,201].

Бухоро ва Афғонистон ўртасида афғон Туркистон хусусидаги зиддиятлар барҳам топсада, айрим ўлкаларда Афғонистонга қарши кураш кейинчалик ҳам давом этаверган. "Туркистон тўплами" маълумотларида Бадахшон 1872-1874 йилларда бўйсундирилган бўлсада, унинг аҳолиси курашни кейинги даврларда ҳам давом эттираётганлиги билан боғлиқ маълумотларни ўқиш мумкин[4,118e].

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро ва Афғонистон давлатлари афғон Туркистондаги ўзбек хонликлари учун бир асрдан ортиқ муддат ўзаро курашлар олиб бордилар. Аммо, бу курашларда ҳар икки томон ўз манфаатларини кўзлаганлар. Ўзбек хонликлари эса, гоҳ Бухоро, гоҳ Афғонистон давлатлари, гоҳида ўзаро курашларда қучсизланиб, охир-оқибатда Туркистон ўлкаси уч мустамлака давлат томонидан ишғол қилинди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бартольд В.В. Сочинения. Том VIII. Работы по источниковедению. – М.: Наука, 1973. – 723 с.
2. Вамбери. А. Путешествие по Средней Азии в 1863 г. – М.: Издание А.И. Мамонтова, 1867. – С. 202.// Туркестанский сборник. Том 12. – 370 с.



## ХVIII-ХІХ АСРЛАРДА БУХОРО ВА АФҒОНИСТОН ЎРТАСИДАГИ ЧЕГАРА ЗИДДИЯТЛАРИ

М. З. Орзиев – БухДУ катта ўқитувчиси

XVIII асрнинг биринчи ярмида Бухоро хонлиги чуқур ижтимоий-иқтисодий таназзулга эришиб, ички курашлар натижасида ҳокимият тепасига мангитлар сулоласи келади. Аммо, сулола вакиллари ҳам мамлакат яхлитлиги, юрт тинчлигига эриша олмадилар. Ўзаро курашлар хонликнинг майда феодал мулкларга бўлинишга сабаб бўлди. Бир вақтлар Бухоро хонлиги таркибига кирган Афғон Туркистонидаги ўзбек феодаллари ўз мулкларини мустақил ҳукмдорлар сифатида идора эта бошладилар.

1747 йилда ташкил топган мустақил Афғонистон давлати ҳукмдори Аҳмадшоҳ Дурроний (1747-1773 йй) афғон қабилаларини бирлаштириб, қўшни феодал мулкларни ҳам қўлга ола бошлади. Аҳмадшоҳ Дурроний қўшинлари 1750-1752 йилларда Амударёнинг чап қанғорида бир вақтлар Бухоро амирлигининг бекликлари саналган Балх, Шибиргон, Андхой, Маймана хонликларини босиб олишга муваффақ бўлади. Балхда афғон қўшинлари турсада, хонликлар амалда ўзларининг тўла мустақилликларини сақлаб қолавердилар [5,29]. Бу вақтда Бухорода сулола алмашиш жараёнлари содир бўлаётган бўлиб, ҳукмдорлари томонидан Афғонистонга қарши амалий чоралар кўриш имкони мавжуд бўлмади.

Афғон Туркистонидаги мулклар ҳатто, расмий бўлсада, Афғонистонга бўйсунинишни талаб қилганлар. Шу сабабли 1755 йилда Аҳмадшоҳ Дурроний Хуросон юришидан қайтгандан кейин ушбу минтақага яна қўшин тортишга мажбур бўлади. Ўзбек мулклари Аҳмадшоҳ Дурронийдан сўнг тезда ўз мустақилликларини қўлга киритадилар. Айниқса, бу курашда Афғон ҳукмдори етакчи мавқени эгаллаганлигини кўриш мумкин. Қундузни итоат эттириш мақсадида юборилган қўшинлар уч маротаба мағлубиятга учратилган. Шундан сўнг, 1789 йилда Афғонистон ҳукмдори Темуршоҳ (1773-1793 йй) катта қўшин билан юриш қилиб, Афғонистонни эгаллайди. Бу пайтга келиб, Бухоро амирлигида амир Шохмурод (1785-1800 йй) мустақиллигини қайтаришга қаратади. 1789-1890 йиллар давомида Бухоро ва Афғонистон арасида афғон Туркистони учун кураш олиб борадилар [5,30]. Амир Шохмуроднинг ушбу кураши Бухорога қайтариш йўлидаги уринишлари самара бермайди. Афғонистон давлати томонидан олиб борилган музокараларда фаол иштирок этган, элчилик топшириқлари билан Афғонистонга Петербург (Россия), Кашмир (Ҳиндистон), Туркия (Усмонийлар салтанати)да бўлган афғон Дурронийлар давлатида икки бора бўлган Абдул Карим Бухорий Бухоро ва Афғонистон арасидаги ўртасида афғон Туркистонидаги мулклар учун курашлар тарихига оид асар ёзиб қолдирган [1,581].

Тарихий адабиётлардаги маълумотлар таҳлили, афғон Туркистони ҳудудида жойлашган мулклар нафақат Афғонистон, кези келганда ўзаро ва ҳатто, Бухоро амирлиги ҳукмронлигига қарши ҳам кураш олиб борганлар, деб хулоса қилиш мумкин. XIX асрнинг 50-60-йилларида Ўрта Осиёга саёхат қилган Ҳ.Вамбери ёзиб қолдирган маълумотлар шундай хулоса қилиш имконини беради. Унинг ёзишича, 1840 йилларда Андхой ўлкаси гуллаб-гўллаган ва қудратли давлатга айланиб, минтақада етакчиликни қўлга киритган. Шаҳар арасида Фазонфар Бухоро ҳукмронлигини тан олгани боис Афғонистон амири Ёрмуҳаммад Дурроний тўрт ой камал қилиб, уни вайронага айлантиради. Сайёҳ 1862 йилда бу ерда бўлганда Андхой ҳокими Маймана билан афғон Туркистони ҳудудларида етакчилик учун кураш олиб борганлиги ва енгилгани билан боғлиқ маълумотларни ёзиб қолдирган [2,202].

Россия матбуот органларидан бўлган “Новое время” (“Янги замон”) матбуот органининг 1880 йилдаги сонларининг бирида афғон Туркистонидаги Маймана, Сарипул, Шибиргон, Оқча, Андхой, Балх, Гурзивон, Дарзоб, Қундуз ва Бадахшонлардан фақатгина Андхой бошқарувда Андхой мулкигина мустақилликни сақлаб қолган. Ҳукмдор Мир Давлатхон Андхой хазинасидан йилига 12 минг рупия (7200 рубль) пенсия олади. Андхойнинг мустақиллигини сақлаб қолишига Майманани бўйсундиришда Шералихонга ёрдам берганлиги сабаб